O‘ZBEKISTON KINEMATOGRAFIYASINING MUSTAQILLIK DAVRIDA TAKOMILLASHUVI VA MAFKURAVIY-TARBIYAVIY ROLINING OSHISHI

Ungboyeva Barno O‘rozovna
O‘zbekiston milliy metrologiya instituti
barnoungbaeva066@gmail.com

Annotatsiya: *Maqola muallifi mustaqillikning dastlabki yillarida kinematografiyaning milliy o‘zlikni anglash, jamiyat ma’naviy muhitini shakllantirishdagi rolini anglash, kino ishlab chiqarishni rivojlantirishga qaratilgan qator hukumat qarorlari va chora-tadbirlari haqida tahliliy mulohaza yuritgan. Bu jarayon kino sohasida amalga oshirilgan davlat siyosati orqali institutsional va g‘oyaviy jihatdan namoyon bo‘lganligini ilmiy asoslab bergan.*

Tayanch so‘zlar: *kinematografiya, qaror, respublika, mustaqillik, o‘zbekkino, o‘zbekfilm, kinostudiya, badiiy film.*

Аннотация: *В статье автор аналитически осмысливает ряд правительственных решений и мер, принятых в первые годы независимости и направленных на осознание роли кинематографа в формировании национального самосознания, духовной среды общества, а также на развитие кинопроизводства. Научно обосновывается, что этот процесс проявлялся в институциональном и идеологическом аспектах через государственную политику, реализуемую в сфере кино.*

Ключевые слова: *кинематография, постановление, республика, независимость, Узбеккино, Узбекфильм, киностудия, художественный фильм.*

Annotation: *The author of the article provides an analytical reflection on the government decrees and measures aimed at developing film production and understanding the role of cinematography in shaping national identity and the spiritual environment of society during the early years of independence. It is scientifically substantiated that this process manifested institutionally and ideologically through the state policy implemented in the field of cinema.*

Key words: *cinematography, decree, republic, independence, Uzbekkino, Uzbekfilm, film studio, feature film.*

Жамият тараққиётини санъатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, кино санъати инсон қалби ва тафаккурига маънан таъсир ўтказади. Кино бу экран санъатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Миллий кино санъатимиз тарихи хусусида сўз борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий кино санъатининг тамал тоши анчайин мустаҳкам қўйилган. Зеро, юртимиздан етишиб чиққан буюк кино дарғаларининг асрларга татигулик меҳнатлари, яратган фильмлари бунга тўла-тўкис асос бўла олади. Айниқса, собиқ иттифоқ даврида, гарчи, маҳаллий кино мутахассисларига "паст назар" билан қарашдек кайфият кўп бора кузатилган бўлсада, лекин, кино санъатини ривожлантириш ва тараққий топтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунда инсон маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайдиган ушбу соҳанинг равнақи учун етарли миқдорда маблағ ажратилди ҳамда ёш кадрларни вояга етказишга катта эътибор қаратилди. Шу боисдан ўша пайтларда маҳаллий киноижодкорларимиз ҳеч иккиланмай жаҳон киноэкранларида намойиш этиши мумкин бўлган ғоявий етук, мазмунан бой, мантиқан асосли, аниқ хулоса ҳамда ечим замирига қурилган кўплаб кинофильмларни яратдилар, ўзбек киносининг жаҳон кино санъати тарихида ўзига хос нуфузли ўрин эгаллашига ҳисса қўшдилар десак муболаға бўлмайди[35].

Мустақилликка эришганимиздан сўнг бадиий кино соҳасида миллий ўзликни англаш борасида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакат раҳбарияти томонидан бадиий кинонинг жамият маънавий муҳитини шакллантиришдаги ролини англаш, кино ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳукумат қарорлари ва чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Мустақиллик даврида, Марказий Осиёнинг қўшни республикаларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда кинокартиналар яратиш учун давлат томонидан салмоқли маблағлар ажртила бошланди. Бу жараёнга Ўзбекистон бадиий киносининг келажакдаги муваффақиятли ривожланиши учун муҳим омил сифатида ҳатто қўшни давлатлар экспертлари ҳам эътибор қаратди[36]. Хусусан, қозоғистонлик киношунос Г. Абикеева ўзбек киносининг ривожланиш истиқболлари ҳақида алоҳида фикр юритди. Яъни, "Ўзбекистон келажакда Марказий Осиё минтақаси киносида етакчиликка даъвогарлик қилиши мумкин. Ўзбекистон Президенти минтақа давлатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб миллий кинематография қудратли

[35] Ахмедходжаева Ф. Кинога бағишланган умр. – Тошкент. 2021.3-б.
[36] Каримова Н.Г. Становление и развитие игрового кинематографа Узбекистана. Диссертация на соискание ученой степени доктора наук (DSc) по искусствоведению. – Ташкент. 2019. – С.30.

мафкуравий қурол эканлигини ҳамда ўз сиёсатини юритиш учун мафкурага ижобий таъсир кўрсатмайдиган ғарб ёки ҳинд киносини сотиб олгандан кўра, ўз кинематографиясига сармоя киритиш фойдалироқ эканини англаб етди”[37]. Бу эса соҳага қанчалик эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

Бунда айниқса, 1990 йиллар нафақат мамлакат иқтисодиёти учун, балки миллий ва маданий ўзликни англаш изланишлари нуқтаи назаридан бадиий кинонинг янги фалсафасини шакллантириш учун ҳам мураккаб ўтиш даври бўлди десак, адашмаган бўламиз. Бу даврда мустаҳкам эстетик ва дунёқараш платформасини излашдаги қарашлар, профессионал тажриба ҳамда билим етишмаслиги сезиларли даражада яққол намоён бўлди. Хусусан, 1990 йиллар ўрталаридаги Ўзбекистон кинематографиясини ижодий инқироз даври эканлигини баҳолаган қозоғистонлик киношунос Г. Абикеева шундай ёзган эди: “Шўролар мафкураси тазйиқи олиб ташланганидан кейин миллий ўзликни англаш анъанавий қадриятлар ва дунёқарашга қайтди. Бир томондан, муайян босқич сифатида бу жараён муқаррар бўлса, иккинчи томондан, ўзбек киносининг хронотопи орқага қараб кетгани кундай равшан бўлиб қолди[38]. Бу ерда онгнинг фаол архаизациялашуви, яъни эскириши ва анъанавий шаклларга қайтиш жараёни яққол юз бермоқда эди… Агар Юсуф Розиқовнинг “Воиз” (“Оратор”) фильми пайдо бўлмаганида ва ундан кейин ўзбек киносини ривожлантириш умумий стратегияси ўзгармаганида, вазиятни фожиали деб ҳисоблаш мумкин эди” [39] деб бу даврга таъриф берди. Бу эса ўша даврдаги кинематография соҳасидаги мураккаб жараённи билдиради.

Лекин Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий киножараённи давлат томонидан тартибга солди ва бу эса бир қатор ҳукумат қарорларида ўз аксини топди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон киносанъатида молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳаси бир қанча ўзгаришларни бошдан кечирди. Бунда мамлакат мустақилликка эришиши арафасида бу соҳага етарлича маблағ ажратилмагани Ўзбекистон бадиий киноси ривожига салбий таъсир кўрсатди. Бироқ, мустақилликка эришилгандан сўнг миллий киноиндустрияни кенг кўламда қўллаб-қувватлаш ташаббускорига айланган давлат кинематографияга катта ёрдам кўрсатди[40].

Бунда биринчи навбатда мамлакатимизда кино ишини бошқарувчи давлат органини ташкил этиш сингари жуда муҳим ва актуал муаммо мавжуд бўлиб,

[37]Абикеева Г. Кино Центральной Азии. 1990-2001. Алма-Ата. 2001., с. 215
[38] Каримова Н.Г. Становление и развитие игрового кинематографа Узбекистана. Диссертация на соискание ученой степени доктора наук (DSc) по искусствоведению. – Ташкент. 2019. – С.31.
[39]Абикеева Г. Кино Центральной Азии. 1990-2001. Алма-Ата. 2001., с. 207.
[40] Каримова Н.Г. Становление и развитие игрового кинематографа Узбекистана. Диссертация на соискание ученой степени доктора наук (DSc) по искусствоведению. – Ташкент. 2019. – С.148.

кино санъати тараққиёти учун мазкур тадбир катта аҳамиятга эга ҳисобланди[41]. Шундан сўнг 1992 йилдан бошлаб бир қатор ҳукумат фармонлари қабул қилинди. Хусусан, миллий кинематографияни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 майдаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси таъсис этилди. Шу билан бирга 1992 йил 9 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистонда кинематография соҳаси Маданият ишлари вазирлигидан ажратилиб, мамлакат иқтисодиётининг алоҳида тармоқ тизими сифатида қайта тикланди ҳамда Ўзбекистон Давлат Кинематография компанияси ("Ўздавкинокомпания") ташкил этилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, собиқ Иттифоқдаги республикаларнинг бирортасида кинематография соҳаси иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида мустақил фаолият юритмайди. Шу кунгача ҳам МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистондагина кинематография соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқарув органи мавжуд бўлиб ("Ўзбеккино" Миллий агентлиги), давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг илк даврида ҳам ва ҳатто ҳозирги кунда ҳам миллий кино санъатимиз ва киноиндустриямизнинг бош ҳомийси ҳамда ҳимоячиси бўлиб келмоқдадир[42].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 29 апрелдаги "Ўзбеккино" давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан "Ўзбеккино" давлат-акциядорлик компанияси ташкил топди. Шу билан бирга "Ўзбекфильм" киностудияси давлат ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди ва унинг таркибида мустақил "Инсон", "Юлдуз", "Ватан" ва "5-студия" номли ижодий бирлашма ҳамда киностудиялар ташкил этилди[43]. Бу эса кино санъатига давлат томонидан кўрсатилаётган эътиборни билдиради. Бундан ташқари ушбу киностудиялар томонидан миллий руҳдаги фильмлар намойиш этила бошланди. Масалан, бунга мисол қилиб биргина "Ўзбектелефильм" студияси томонидан 1992 йил 08-декабрдаги №73-сонли буйруғига кўра 1993 йилда фильмлар ишлаб

[41] Нодиров Т. Муаммо ва режалар// Кино тижорат "Кино"ойлиги №1. 1990. 1-б.
[42] Исҳоқов А. Кинематография тарихи. – Тошкент. Зилол булоқ. 2019. 138-б.
[43] Ашрапова И. Бош мезон профессионализм// Кино реклама ахборот "Кино"ойномаси №1. – Тошкент. Шарқ. 1991. 1-б.

чиқариш режасига ва тасдиқланган режиссёр сценарийси асосида 41/92 рақамли, ҳажми 20 минутли “Ал-Хоразмий туғилган жойда” рангли хужжатли фильмини[44], 1992 йил 30-декабрдаги №78-сонли буйруғига кўра 1993 йилда фильмлар ишлаб чиқариш режасига асосан “Кечки Тошкент” рангли хужжатли фильмини[45] ҳамда Ўзбектелефильм” студиясининг 1993 йил 20-апрелдаги №24-сонли буйруғига кўра 1993 йилда фильмлар ишлаб чиқариш режасига асосан “Баҳовуддин Нақшбандий” рангли хужжатли фильмларини[46] олишимиз мумкин. Бу эса мустақиллик йилларида кино санъатига миллий руҳ берилганини кўрсатади.

Шунингдек, бу соҳанинг ривожланишида кино санъати ижодкорлари томонидан яратилган бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмлар Давлат қабул комиссиясига топширилади. Муваффақиятли қабул қилинган фильмлар барча адабиёт ва санъат намуналари қатори давлат, яъни халқ мулкига айланади. Шундан сўнг энг муҳим вазифа ушбу асарларни ўз эгасига етказиш ва омма орасида кенг тарғиб қилишдан иборат ҳисобланади. Бунда кино тармоқлари ходимларининг асосий масъулияти ҳам айнан шундан иборатдир. Бундан ташқари, мамлакатимизда кино тармоқлари, асосан, икки турга бўлинади. Биринчиси давлат кино тармоқлари, яъни, бевосита давлат томонидан бошқариладиган тармоқлар. Иккинчиси эса касаба уюшмалари, яъни, касаба уюшмалари томонидан бошқариладиган тармоқлардир. Бунда давлат томонидан шаҳар, шаҳар типидаги посёлка, туман марказлари ва қишлоқлардаги кинотеатрлар, колхоз клублари, кўчма кино қурилмалари, кинофильмларни ижарага берувчи идоралар, киностудиялар, фильмлардан нусха кўчирувчи фабрикалар ҳамда реклама материаллари тайёрловчи “Рекламафильм” ташкилоти давлат кино тармоқлари ҳисобланади ҳамда бошқарилади[47].

Шунингдек, давлат кино тармоқларини кинематография Давлат ширкати томонидан бошқарилади. Бу ширкат вазирлик ҳуқуқига эга бўлиб, қуйидаги бошқарма ва бўлимлардан ташкил топади. Биринчиси фильм ишлаб чиқариш бошқармаси, иккинчиси кино тармоқлари ва кинони ижарага бериш бошқармаси, учинчиси техника бошқармаси, тўртинчиси режа-хўжалик бошқармаси, бешинчиси капитал қурилиш бошқармаси, олтинчиси бухгалтерлик ҳисоби, ҳисобот ва тафтиш бошқармаси, еттинчиси кадрлар бўлими, иш юритиш ва хўжалик бўлими ҳисобланади. Шунингдек,

[44] ЎзМА, 73-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 7-варак.
[45] ЎзМА, М-73-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 1-варак.
[46] ЎзМА, 73-фонд, 1-рўйхат, 58-йиғмажилд, 76-варак.
[47] Алиев М. Кино асослари. – Тошкент. Ўқитувчи. 1993. 86-б.

республиканинг кинематография давлат ширкати қуйидаги вазифаларни бажаради. Буларга кинематографияни ривожлантириш ҳақидаги қарор ва кўрсатмаларни амалга ошириш, киностудиялар ишига бадиий-ижодий ва хўжалик жиҳатидан раҳбарлик қилиш киради. Бундан ташқари, кино тармоқларини кенгайтириш ва ривожлантириш, аҳолига кино хизмати кўрсатишни яхшилаш, фильмлар репертуарини шакллантириш ишларини ҳам амалга оширади. Шу билан бирга республика кинематографияси фаолиятининг йиллик ва ойлик ҳамда истиқболга мўлжалланган режаларини тузади, кинодан тушадиган маблағлар режаси бажарилишини таъминлайди. Шунингдек, фильмларни ижарага берувчи идоралар ва кино саноати корхоналари республика давлат кино ширкати қарамоғида бўлади[48].

Шунингдек, мамлакатдаги кино жараёнини давлат томонидан бошқариш зарур эканлиги мустакиллик йилларида қабул қилинган бир қатор қарорларда тўла асослаб берилди ва бу амалиётга жорий этилди ҳамда кинотармоқ қайта тикланди. Бунда кинотеатрлар аста секинлик билан ўзининг асосий фаолиятига қайтиб, кинокартиналарни намойиш қилиш билан шуғулланиб келмоқда. Кинопрокат муассасалари миллий фильмлар намойишидан даромад ола бошлади ва бу ўзбек миллий кинематографининг равнақ топишида мухим омилга айланди[49].

Масалан, Ўзбектелефильм студияси томонидан 1992 йил ишлаб чиқариш режаси 101,1 фоиз қилиб бажарилди, яъни 349 соат ўрнига 352 соат 42 минутли киномаҳсулот яратилди. Йил давомида 2 та бадиий фильм, 23 та хужжатли фильм, 5 та фильм-концерт, 1 соат 45 минутга мўлжалланган концерт программаси ҳамда “Ўзбекистон” тележурналининг 24 сони 4 соат тайёрланди. Бундан ташқари, телевидение буюртмасига кўра 16мм к/тасмада 333 соат 50 минутли ҳажмда турли мавзуларда лавҳа ва очерклар тасвирга туширилди. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, студия қошида фаолият кўрсатаётган бадиий кенгашнинг баҳолаш комиссияси мавжуд фильмларнинг 11 тасини 1-даражали деб хисоблади. Натижада студия шу йили 30032 минг сўм миқдорида даромад олди. Бундан ташқари студия буюртма асосида фильмлар яратишда 208,7 минг сўм, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш орқали 75,1 минг сўм, корхона ва ташкилотларга цех хизматларини кўрсатишда 65,2 минг сўм, хомий топиб фильмлар яратиш орқали 305,0 минг сўм, телевидение тижорат марказига хизмат кўрсатиш орқали эса 649 минг сўм миқдорида

[48] Алиев М. Кино асослари. – Тошкент. Ўқитувчи. 1993. 87-б.
[49] Каримова Н.Ғ. Ўзбекистон бадиий кинематографининг шаклланиши ва тараққиёти. Санъатшунослик фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2019. 35-б.

қўшимча даромад олди[50]. Бундан кўринадики, республикада миллий кино ишлаб чиқариш ҳам маънавий озуқа ҳам даромад олиб келди.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abikeeva G. Kino Sentralnoy Azii. 1990-2001. Alma-Ata. 2001.
2. Aliyev M. Kino asoslari. – Toshkent. O‘qituvchi. 1993.
3. Ashrapova I. Bosh mezon professionalizm// Kino reklama axborot
4. Axmedxodjayeva F. Kinoga bag‘ishlangan umr. – Toshkent. 2021.
5. Is’hoqov A. Kinematografiya tarixi. – Toshkent. Zilol buloq. 2019.
6. Nodirov T. Muammo va rejalar// Kino tijorat “Kino”oyligi №1. 1990.
7. Karimova N. O‘zbekiston badiiy kinematografining shakllanishi va taraqqiyoti. San’atshunoslik fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent. 2019.
8. Karimova N. Stanovleniye i razvitiye igrovogo kinematografa Uzbekistana. Dissertatsiya na soiskaniye uchenoy stepeni doktora nauk (DSc) po iskusstvovedeniyu. – Tashkent. 2019.
9. “Kino”oynomasi №1. – Toshkent. Sharq. 1991.
10. O‘zMA, M-73-fond, 1-ro‘yxat, 2-yig‘majild.
11. O‘zMA, 73-fond, 1-ro‘yxat, 58-yig‘majild.

[50] ЎзМА, М-73-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғмажилд, 21-варак.